


# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2007 йил 22 ноябрь, № 231 (4384)

Пайшанба



Хамкорлик

Кеча пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "Қурилиш материаллари ва техникаси, ойна, эшиклар, совитиш ҳамда иситиш жиҳозлари BuildExpo Uzbekistan-2007" халқаро кўргазмаси иш бошлади. Унда Австрия, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Қозоғистон, Туркия, шунингдек, мамлакатимиздаги салкам 40 та компания ва фирмалар ўз маҳсулот намуналари ҳамда хизмат кўрсатиш турлари билан иштирок этмоқда.



Саломат ХАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири. ТЕМУР ҚУРБОНОВ олган суратлар.

## Бунёдкорлик — Фаровонлик рамзи

Тадбирнинг очилишида таъкидландики, кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳалар қатори қурилиш-бунёдкорлик ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг самараси ўлароқ, юртимиз кифоаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ўзидан миллий ва жаҳон меъморчилигининг илгор аъёнларини муҳассама этган маданий-маиший иншоотлар, ишлаб чиқариш корхоналари, турар-жойлар, спорт-соғломлаштириш, шунингдек, таълим муассасалари ҳамда

сўлим майдон ва хиёбонлар бунинг далилидир. Маълумотларга қараганда, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича 65 та инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Айниқса, Самарқанддаги "Ятра инвест", Тошкент вилоятидаги "Голд шиф" ҳамда "Полисан Индастриал", шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидаги "Қарақалпоқверми" қўйма корхоналарининг ишга туширилиши тубайли шифер, полипропилен қувурлар, вермикулит ишлаб

чиқариш хажми кескин ошди. Шу билан бирга, тармоқ корхоналарида цемент, гўллама ва шартли плиталар, девор қурилиши материаллари ишлаб чиқариш миқдори ҳам кўпаяпти. Булар, ўз навбатида, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг асосий қурилиш материалларига бўлган талабини қондиришга хизмат қилди. Таъкидлаш жоизки, "Ўзқурилиш материаллари" акциядорлик компанияси ва бир қатор халқаро кўргазма компаниялари томонидан ташкил этилган

ўшбу тадбир қурилиш саноатида эришилган сўнги ютуқ ва натижаларни сарҳисоб этиш, иштирокчиларнинг ўзаро тажриба алмашиши ва томонлар ўртасида тенг манфаатли шартномалар имзоланишида катта аҳамият касб этади. Саломат ХАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири. ТЕМУР ҚУРБОНОВ олган суратлар.

## МАМЛАКАТ

Бўйлаб  
Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Қорақалпоғистон пойтахтида транспорт воситаларининг транзит қатновини мувофиқлаштириш, экологик вазиятни яхшилаш мақсадида 8 километрлик замонавий халқа йўл барпо этилди.

### Нукусда янги кўприк

Мазкур қурилиш доирасида «Қизқетган» каналига янги кўприк қурилиб, шаҳарнинг «Телемарказ» мавзеси билан «Жийдали Бойсун» қишлоғи ўзаро боғланди. Лойиҳа-смета қиймати 1,3 миллиард сўм бўлган бу иншоот шаҳарнинг транспорт сислиси тизимидан муносиб ўрин эгаллади.

Янгибоб ҚУЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### «Энг намунали маҳалла»

Навоийда «Энг намунали маҳалла» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда 336 маҳаллада амалга оширилган хайрли ишлар қўламини сарҳисоб этилди.

Танлов натижаларига кўра, Қўзилтепа туманидаги «Қасараш-ўрак» маҳалла фуқаролар йиғини жамоасига 1-ўрин берилди. Нурота туманидаги Навоий номи ва Зарафшон шаҳридаги «Олтин водий» маҳалла фуқаролари йиғинлари 2 ва 3-ўринни ўзаро бўлиб олдиди.

Танлов гўлибларига Навоий вилоят «Маҳалла» жамағатининг фахрий ёрликлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Хандам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Талабаларга рағбат

Ўрганч давлат университетига республика миқёсида ўтказилаётган талавларда фаол иштирок этаётган, жамоат ишларида ҳам намуна бўлаётган 125 нафар талабани тақдирлаш маросими ўтказилди.

Уларга компьютер, телевизор ҳамда вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрликлари топширилди. Қатор иқтидорли ва тирришқок талабалар университет, фан ва таълим қасаба уюшмаси вилоят кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими томонидан қўшимча стипендиялар билан таъминланадиган бўлди. Талабалар, бу тадбир ўзларининг янада чуқурроқ билим олишларига рағбат уюғотиши шўбҳасиз эканлигини таъкидлаш билан бирга, доимо аъло ўқиш истасигини билдирдилар.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Жиззахда

### «Китоб байрами»

Вилоят ахборот-кўтубхона марказида бошланган «Китоб байрами» республикадаги «Шарқ наشريёт матбаа акциядорлик компанияси», «Ўзбекистон», «Ўқувчи», «Чўлпон» наشريёт-матбаа иқидий уйлари, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий наشريёти, «Мавнавият», Санзор наشريётларининг кўргазма-ярмаркасини томоша қилишдан бошланди.

Байрамда умумтаълим мактаблари учун 2008-2009 ўқув йилига мўлжалланган дарслик ва ўқув қўланмаларининг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаси, айниқса, кенг намойиш этилди. Халқ таълими мутасаддилари, соҳа мутасаддилари, байрамнинг бошқа иштирокчилари наشريётларга ўзларини қизиқтирган, жамоалари учун зарур дарсликлар, қўланмалар, баъдий асарлар ҳақида буюртма бердилар.

«Китоб байрами» давомида, шунингдек, маҳаллий иқидкор олимлардан Ҳ. Носировнинг «Истикболим — иқболим» ҳамда М. Хошимхоновнинг «Бобораҳмон Маширабнинг ҳаёти ва иқидо» китобларининг тақдимот маросими ҳам ўтказилди. Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Ў.А.)

### Олий Мажлис Сенатида

Навоий шаҳрида 21 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши билан биргаликда ташкил этилган семинар «Меҳрибонлик уйлари» ҳамда ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда халқ депутатлари шаҳар, туман ва вилоят Кенгашлари депутатларининг ўрнига бағишланди.



## БОЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда жисмоний ва ақлий ҳимоя бор болалар, ногирон болалар ва боқувчисини йўқотган болалар тўғрисида гамаҳўрлик қилишга давлат гамаҳўрлик қилишга давлат мустақиллигига эришилган дастлабки кунлардан бошлаб қатта эътибор бериб келинмоқда. Ана шундай болалар таълим ва тарбия олишига ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолият олиб бориши учун тегишли ҳуқуқий база яратилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 28 та «Меҳрибонлик уйи» ва 86 та ихтисослаштирилган мактаб-интернат мавжуд. Мазкур муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкам-

лаш учун ҳар йили давлат томонидан собитқадамлик билан маблағ ажратиб келинмоқда. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ, «Меҳрибонлик уйлари» ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, уларни капитал таъмирлаш ҳамда техника ва ёрдамчи воситалар, компьютер синфлари, мебель ва юмшоқ инвентар билан жиҳозлаш, автотранспорт ажратиш, шунингдек, «Меҳрибонлик уйлари»нинг битирувчилари учун ҳар бир минтақада оилавий блоклари бўлган ётоқхоналар, болалар-

ни ижтимоий мослаштириш марказлари ташкил этиш, болаларни тиббий ва профилактика мақсадидаги кўриклардан мунтазам равишда ўтказиб туриш, янги таълим дастурлари ва қўланмалар яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

Чўночи, жорий йилда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида «Меҳрибонлик уйлари» ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда жами 1,5 миллиард сўмлик ҳажмда таъмирлаш ҳамда қурилиш ишлари, бажариш бўлиши шундан ташқари ана шу мақсадларга қўшимча равишда 1,1 миллиард сўм ажратилди. «Меҳрибонлик уйлари» ва ихтисослаштирилган мактаб-

интернатлари автобуслар билан таъминлаш мақсадида 2007 йили 4,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Кўзи оғир, кулоғи оғирроқ ва ақли заиф болаларнинг ихтисослаштирилган мактаблари ва мактаб-интернатлари учун 59 номда ўқув қўланмалари яратилди. Ўз уйда таълим олаётган 12 мингдан ортиқ ноғи-

рон бола ўқув ашёлари билан таъмин этилмоқда. «Меҳрибонлик уйлари» ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар учун ҳомийлар ҳисобидан 75 миллион сўмлик мебель, юмшоқ инвентар ва компьютерлар сотиб олинди, иккита болалар муассасалари — «Оилавий болалар уйи» барпо этилмоқда. Уларда қориди айтилган тоғидаги болаларнинг таълим олиши ва тарбияси учун имкон қадар яхшироқ шароитлар таъминланади. Бу йўналишда Навоий вилоятида мўайян тажриба тўпланган. Мамлакатимизда фаолият кўрсатиб турган бешта шундай муассасадан учтаси Навоий вилоятида жойлашган бўлиб, уларнинг ҳаммаси транспорт билан таъминланган.

«Меҳрибонлик уйлари» ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар учун ҳомийлар ҳисобидан 75 миллион сўмлик мебель, юмшоқ инвентар ва компьютерлар сотиб олинди, иккита болалар муассасалари — «Дамас» микроавтобуси ажратилди, Навоий шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи»нинг ҳисоб-китоб варағига 11 миллион 400 миң сўм ўтказилди.

Шу билан бирга, семинар иштирокчилари томонидан қайд этилганидек, халқ депутатлари шаҳар, туман ва вилоят Кенгашлари депутатлари «Меҳрибонлик уйлари» ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш муаммо-

ларини ҳал этишда ҳамisha ҳам ташаббус ва қатъият кўрсатмоқдалар деб бўлмайди, бу масалалар халқ депутатлари Кенгашлари муҳокама-сига қамдан кам ҳолларда чиқарилмоқда.

Масалани муҳокама этиш асносида семинар иштирокчилари ўзаро фикр алмашдилар, халқ депутатлари шаҳар, туман ва вилоят Кенгашлари депутатларининг «Меҳрибонлик уйлари» ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятини янада кучайтиришга ҳамда давр талабларини инобатга олган ҳолда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тақомиллаштиришга қаратилган бир қанча таклифларни билдирдилар.

Семинар ишида сенаторлар, Навоий вилоятидаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари ва вилоят фаоллари, вазирилик ва идоралар, ҳуқуқий муҳофиза қилиш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

## 23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайлови куни

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД АСЛИДДИН АШУРБАЕВИЧ РУСТАМОВНИНГ ДАСТУРИ



Ушбу дастурда баён этилган устуворликлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий риоя қилиш, Ўзбекистоннинг мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, Ватан равнақи, юрт тинчилиги, мамлакатда фуқароларо ҳамда миллатларо тотувлик, ижтимоий барқарорлик вазиятини кўз қорачиқдай сақлаш ва таъминлашга қаратилган миллий манфаатларга садоқат каби қондаларга асосланади.

Дастур Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг электорати — бюджет соҳаси хизматчилари, кўп болали ва боқувчи-

сиз қолган оилалар, ёлғиз қариялар, кам таъминланганлар, ногиронлар, аҳолининг турли сабабларга кўра бозор иқидотларига тэйёр бўлмаган ижтимоий ҳимояга мўҳтож бошқа қатламларининг манфаатлари билан белгиланадиган дастурий устуворликларга таянади.

Дастур ҳақида сўз кетганда, шуни назарда тутганимизки, у айнан шу одамларнинг эҳтиёжларига, уларнинг муносиб келажагини таъминлашга йўналтирилган.

Бунда асосий эътибор аҳолининг мазкур қатламларига нисбатан ижтимоий адолат, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимояни таъминлашга қаратилди.

Биринчи галдаги иқидотлар ва ўқиш дари ўзгаришларининг дастлабки босқичдаёқ, айниқса, мамлакатни фаол янгилаш ва модернизация қилиш босқичида Ўзбекистонда иқидосий, ижтимоий, сийсий ва маънавий соҳаларни иқидо қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Қўқур иқидосий иқидотларнинг изчил амалга оширилиши натижасида мамлакат иқидосий-иқидосий жадал ўсиши таъминланмоқда. Буларнинг барчаси айни пайтда халқ фаровонлиги ва даромадларини изчил оширишга оид стратегик муҳим вазифаларни рўёбга

чиқариш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Шуни тан олиш керакки, мамлакатимизда ижтимоий соҳада, шу жумладан, аҳолининг эҳтиёжман қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш даражасини кўтарish борасида кўп ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бир қаторда, мамлакат салоҳиятининг тобора ортиб бораётганиги, ижтимоий-сийсий муносабларнинг ҳозирги етуқ даражаси аҳолининг ҳимояга мўҳтож қатламларини ижтимоий муҳофиза қилиш вазифасини самарали ҳал этиш учун янги, қўшимча имкониятлар яратмоқда. Мазкур масалаларни ҳал этишга мавжуд ва ҳали етарлича фойдаланилмаган захираларни жалб қилиш, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жойларда ижтимоий ятти самарадорлигини ошириш вазифаси муҳимлигича қўлмоқда.

Мазкур ва бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш дастурида асосий мазмунини ташкил этади. Унинг устувор йўналишлари қуйидагилар:

Биринчи устувор йўналиш ижтимоий иқидотларни янада чуқурлаштириш, аҳолининг ҳимояга мўҳтож, кам таъминлан-

ган қатламларини ижтимоий муҳофиза қилиш тизимини тақомиллаштиришдан иборат. Дастурда ушбу йўналиш ижтимоий адолат ва ижтимоий бирдамлик тамойилларини қарор топishi ҳамда уларни амалга ошириш борасидаги асосий вазифа сифатида белгиланган. Мамлакатимизда яшаётган ва ижтимоий ёрдамга мўҳтож ҳар бир фуқаро давлатнинг гамаҳўрлиги ва ён-атрофдаги кишиларнинг меҳр-муруватини доимо сезиб яшashi керак.

Ижтимоий ҳимоя тамойилларининг амалга оширилиши мустаҳкам иқидосий асосга эга бўлиши лозим. Шу мақсадда биз мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқидосийлигини шакллантириш бўйича амалга оширилаётган иқидотларни, жумладан, солиқ қонунчилигини тақомиллаштириш, ушбу асосда ижтимоий соҳани бюджет ва бюджетдан ташқари молиялаштириш шарт-шароитлар янада оширишга доир қўрилаётган чораларни қўллаб-қувватлашимиз. Аҳолининг эҳтиёжман қатламлари ҳамда гуруҳларини аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлашга кўзда тутувчи мақсадли давлат ижтимоий дастурлари рўйхатини кенгайтириш тарафдоримиз.

Биз мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашга оид амал-

га оширилаётган кенг қамровли ишларни қўллаб-қувватлашимиз ва шу билан бирга аҳолининг ижтимоий ҳимояга мўҳтож қатламлари вакиллари, ногиронлар, меҳнат қилиш қобилияти чекланган кишилар, кўп болали оилалардаги хотин-қизлар, ижтимоий ҳимояга мўҳтож ва меҳнат бозоридан тенг шароитларда рақобат қила олмайдиغان бошқа шахсларни иш билан таъминлаш борасида қонунчиликда кўзда тутилган қабул қилинган самарадорлигини янада ошириш тарафдоримиз. Пенсияерларнинг ўз тажрибаси ва касбий малакасида ижтимоий фойдали меҳнатда фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш, янги иш ўринларини ташкил этаётган иш берувчилар учун қонунчилик даражасида қўшимча имтиёзларни назарда тутиш муҳимдир.

Бу ишинг амалий йўналишларидан бири — ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш масалаларини изчил ҳал этишдир. Аҳолининг ижтимоий заиф қатламларининг ушбу гуруҳи таркибига фақат ижтимоий ҳимояга мўҳтож кишиларгина кирмайди. Кўпгина ногиронларнинг меҳнат қилиш қобилияти чекланган. Айни пайтда уларда маълумотлилик даражасини ошириш, имкониятларига қараб ижтимоий фойдали қисмларни эгаллашга интилиш бор. Ҳозирги кунда имкониятлари чекланган кишиларни иж-

тимоий қўллаб-қувватлаш, манфаатларини ҳимоя қилиш ва эҳтиёжларини қондириш учун қонунчилик даражасида зарур норматив-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қонун ҳужжатларининг оғишмасдан иқросини таъминлаш, мазкур соҳада норматив-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш зарур.

Давлат бошқаруви маҳаллий органлари ходимларининг, уларнинг ваколатига кирадиган аҳолини мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этиш бўйича масъулиятини ошириш ҳам энг муҳим вазифа ҳисобланади. Бу бордаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, қабул қилинган дастурларда белгиланган тегишли вазифаларнинг амалга оширилишига давлат бошқаруви маҳаллий органлари апаратидаги базий бир амалдорларнинг расмиятчилиги ва бюрократик муносабатлари ҳамда иқидо интизомии даражасининг пастилиги тўсиқ бўлмоқда.

Шу муносабат билан биз давлат бошқаруви органларида оддий фуқаролар манфаатларига таълуқли бўлган масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишга йўналтирилган «Маммурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг тез орада қабул қилиниши тарафдоримиз. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга мўҳтож қатламлари, кам таъминланганлар, ногиронларнинг ижтимоий реабилитация масалаларини қонунчилик йўли билан тартибга солишни янада яхшилаш бўйича ишларни давом эттириш керак, деб ҳисоблаймиз.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу йўналишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, уларнинг ваколатига кирувчи, аҳолининг эҳтиёжидан қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш, жамиятда ижтимоий адолат муносабатларини мустақамлашга доир вазифаларнинг бажарилиши учун масъулиятини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Дастуриймизга кўра, мақсадли ижтимоий ҳимоя вазифаси фақат давлатнинггина иши бўлиб қолмаслиги керак. Мазкур масалани изчил ҳал этишнинг муҳим вазифаларидан бири жамиятда ижтимоий бирдамлик муносабатларини ривожлантиришга қўллаш, бунинг учун жамиятнинг иқтисодий фаол аъзолари ҳамда турли ижтимоий институтларни энг муҳим ижтимоий дастурларни бевосита амалга оширишда ва аҳолининг ижтимоий ҳимоя-лаштириш даражасини юксалтиришда фаол иштирок этишга рағбатлантириш лозим.

**Иккинчи устувор йўналишда** уй-жой-коммунал хизматлар соҳасидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш, энг аввало, шаҳар ва қишлоқ жойларида ижтимоий инфратузилма ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш кўзда тутилди. Сўнгги йилларда аҳолини ичимлик суви, табиий газ, жамоат транспорти ва бошқа хизмат турлари билан таъминлаш бўйича амалга оширилган кенг қўламли

ислохотлар эътироф этган ҳолда, аҳолини коммунал хизматлар, уй-жой ва маиший хизматлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, унинг замонавий талаблар ва стандартларга мос келиши тарафдоримиз. Бунинг учун мамлакатда тегишли шарт-шароит ва имкониятлар яратилган.

Бунда аҳолини асосий коммунал хизматлар билан таъминлаш соҳасида рақобат муҳитини янада ривожлантириш, мулкдорларнинг ўз уй-жойларини сақлаш ва ундан фойдаланишда мустақиллиги ва масъулиятини ошириш ҳамда бу соҳада мавжуд ижтимоий боқимандалик кайфиятини бартароф этишга қўмаклашувчи ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифалар ҳисобланади.

Аҳолига уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Жойлардаги аҳолини ўрганиш баъзи ҳолларда унинг замонавий талабларга тўлиқ мос келмаслигини кўрсатмоқда. Коммунал хизматларни кўрсатувчилар масъулиятини ошириш масаласи долзарб аҳамиятга эга. Шу жумладан, коммунал хизматларни кўрсатувчиларнинг баҳа-

рилган хизматлар ҳақини ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўловчи истеъмолчилар олдида шартномавий мажбуриятларга риоя қилиш учун иқтисодий масъулиятини ошириш масаласи ҳам ўта долзарбдир.

Шуларни ҳисобга олиб, «Коммунал соҳада тарифларни тартибга солиш асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклифи этилади. Бу қонун ижтимоий адолат тамойиллари асосида коммунал хизматларни кўрсатувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни мақбуллаштиришга хизмат қилишга қаратилади.

Дастуриймиздаги **учинчи устувор йўналиш** давлат идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ижтимоий институтларнинг фуқаролик тарбияси ҳамда маърифатини ривожлантириш, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражасини оширишда ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришдан иборатдир.

Бу соҳадаги асосий вазифалардан бири — кишиларда ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини моҳиятини тўғри тушуниш, улардан олган ҳуқуқ ва масъулият билан фойда-

ланиш, ўз ҳуқуқларини қонуний ва ҳуқуқий воситалар, жумладан, суд орқали ҳимоя қилиш ҳисобланади. Фуқароларни қонунга сўзсиз риоя қилиш, уларнинг жамият ва давлат олдидаги мажбуриятларини англаши руҳида тарбиялаш ҳам муҳим вазифадир. Бу борада мазкур дастурда фуқароларнинг, энг аввало, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож, кам таъминланган қатламларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан шугулланувчи давлат ва ижтимоий институтларни ҳар томонлама мустақамлашга жиддий эътибор берилди.

Ушбу соҳадаги энг муҳим вазифа — бу жамиятнинг маънавий янгилаш стратегияси боришини давом эттиришдир. Бу янгилашнинг маънавий йилларида шаклланиб, ҳалқимизнинг минг йиллик аънана-ларини, аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламларига нисбатан адолат ва инсонпарварлик принциплари муҳим тарихий қисми бўлган умуминсоний қадриятларни ўзида муҳасамалаштирган ахлоқ-одоб нормаларига оғишмай амал қилишга асосланади.

Биз мамлакатимиз фуқароларини барқарорлик, тинчлик, фуқаро-

лик ва миллатлараро тотувлик ва диний барикенглик йўлида жипс-лаштиришимиз лозим, деб ҳисоблаймиз. Аини пайтда бозор иқтисодиётига ўтиш пайтида вужудга келадиган салбий ижтимоий ҳодисалар, хусусан, истеъмолчилик кайфияти, ортиқча исрофгарчилик, дабдабазеликка йўл қўймаслик лозим. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида одамларнинг ижтимоий онги, иқтисодий маданиятини юксалтириш ҳам муҳимдир.

**Тўртинчи устувор йўналиш** — экологик мувозанатни таъминлаш, атропо-муҳитни сақлаш ва ҳимоялаш масалаларидан иборатдир. Биз мамлакатимизда табиий бойликлар — ер, сув, минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича амалга оширилётган ишларни кўллаб-қувватлаймиз. Зарарли ишлаб чиқариш корхоналарини янада соғломлаштириш, атропо-муҳит аҳоли устидан доимий ошқор назорат қилиш, санюфт, қурилиш, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида экологик тоза технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилишнинг

самарали тизимини яратиш тарафдоримиз.

Аини пайтда аҳолининг экологик маданияти даражасини ошириш, ҳар бир кишида ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига тўғри муносабатда бўлиш туйғусини, атропо-муҳитни ҳимоя қилишда манфаатдорлик билан ёндашиш фазилатларини шакллантириш бўйича давлат ва жамоатчилик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қўмаклашиш зарур.

Шу мақсадда тегишли қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикасининг «Табиий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги ва бошқа турдош қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклифи этилади.

Баён этилган устуворликларни амалга ошириш жамиятда ижтимоий адолат даражасини кучайтиришга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини мақсадли кўллаб-қувватлаш бўйича давлат ва жамоатчилик тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Ўз навбатида, бу — мамлакатини ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг ҳозирги босқичида халқ фаровонлигини муттасил ошириб бориш каби стратегик вазифани амалга оширишга хизмат қилади.

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTLIGIGA NOMZOD DILORAM GAFORDJANOVNA TASHMUKHAMEDOVANING DASTURI



Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий соҳаларда улкан ислохотлар амалга оширилди. Халқнинг турмуш даражаси анча ўсди. Иқтисодиёт изчил ривожланиб, қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, ушбу соҳадаги ислохотларни изчил амалга ошириш, аёлларнинг жамиятдаги маънавий янада охириш, ёшларга оид сиёсатни ривожлантириш каби вазифалар ҳам ушбу сайловолди дастурдан кенг ўрин олган.

### Дастурнинг устувор йўналишлари

**Биринчи йўналиш** иқтисодий соҳани камраб олади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тўб-иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Бу йўлдаги саяхатларнинг бундан буён ҳам изчил давом эттириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биз ана шу мақсадда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламиз. Иқтисодиёт соҳасига доир қонунчилик базасини такомиллаштириш, тадбиркорликнинг кенг тарққиқ этишига ҳалақит берувчи айрим тўсиқларни бартароф этиш, шубҳасиз, товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳақининг кескин ўсишига олиб келади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг ҳақон бозоридан рақобатбардошлигини таъминлаш, энергетика самарадорлиги ва энергия тежамкорлигини ошириш давримизнинг асосий талабларидан бирига айланмоқда. Шу сабабли биз учун энергия ресурсларини тежаш, ноанъанавий ва қайта tiklanuvchi энергия манбаларидан фойдаланишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизминини янада кучайтириш масалалари муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга, қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этаётганини ҳисобга олиб, биз ушбу соҳада ҳам тегишли тадбирларни амалга ошириш ниятидамиз.

Ҳозирги авлоднинг келажак олдидаги масъулиятини чуқур англа-

ган ҳолда, барқарор тараққиётимизнинг асосларидан бири бўлган табиий бойликларимизни асраб-авайлаш ҳам биз учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиб қолаверади.

Биз ахборот технологиялари, хусусан, Интернет тармогини ривожлантиришнинг стратегик дастурини амалга ошириш учун мавжуд захира-ларни йўналтириш, ушбу дастур орқали хизматлар кўрсатиш ва электрон савдони кўллаб-қувватлаш бўйича қатор муҳим тадбирларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

**Иккинчи йўналиш** ижтимоий соҳага оид бўлиб, биз учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳолбуки, «Адолат» социал-демократик партиясининг мақрувдаги негизини ҳам жамиятимиздаги тинчлик ва оқилоллик, фуқаролар, миллатлар ва динлараро тотувликни мустақамлашнинг муҳим шартини ҳисобланган ижтимоий адолат ҳолатини изчил амалга ошириш ташкил этади.

Пенсия қонунчилигини янада такомиллаштириш масаласи доимий диққат-эътиборимизда бўлади.

Соғлиқни сақлаш тизимини мунимлаштиришнинг самарали механизмларини амалиётга татбиқ этиш, табиий хизмат кўрсатиш сифатини босқичма-босқич ошириш орқали мазкур соҳани янада ривожлантириш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Биз табиий хизматлар сифатини ошириш, хусусий табиий мауассалари тармогини ривожлантириш, аҳолининг дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақса-дида ушбу соҳадаги қонунчилик асосларини янада такомиллашти-риш ниятидамиз.

Ижтимоий масалаларни фақат давлат ҳокимиятининг самарали саяхатлари билан ҳал этиб бўлмайди. Шу боис, бизнес тузил-маларининг ҳам ижтимоий масъу-лиятини кучайтириш ва бу борада қатор тадбирларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, мазкур соҳа қонунчилик базасини янада такомиллаштириш даркор.

**Учинчи йўналиш** сиёсий соҳани ўз ичига олади, зеро, мамлакатимизда мазкур соҳани изчил ли-бераллаштиришнинг давом эттириш устувор вазифа ҳисобланади.

Сиёсий ислохотларни янада жадаллаштириш, демократик қадрият-ларни мустақамлаш ва ривожланти-риш, жамиятда адолат устуворли-ги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлида бор куч-гай-ратимизни сафарбар этамиз.

Ўзбекистон Республикаси давлат хизматчилари фаолиятини тартиб-га солуви алоҳида қонун қабул қилиш, давлат ҳокимияти органла-ри фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, жамият аъзолари онгида демократик қад-риятларни янада мустақамлаш ма-салалари ҳам биз учун долзарб аҳамиятга эга.

Биз давлат идораларининг очқ-лик тамойилларига амал қилишнинг таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз. Шу мақсадда, ушбу та-моийилларни таъминлашга қарати-лан Давлат дастурини ишлаб чиқи-шнинг тақлифи қиламиз.

Биз «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаш-тириш ҳамда мамлакатни модер-низация қилишда сиёсий партия-ларнинг ролини кучайтириш тў-ғрисида»ги конституциявий қонун-нинг ҳаётга тўлиқ татбиқ этилишига эришмоғимиз лозим. Зеро, ушбу қонун жамиятда сиёсий партияларнинг ролини тубдан оши-ришга хизмат қилади.

**Тўртинчи йўналиш** хотин-қиз-ларнинг жамиятдаги ролини оши-ришдан иборат.

Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ну-фузини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг у-стувор йўналишларидан бирига ай-ланди.

Биз аёлларга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оши-риш, ижтимоий муҳофазасини ку-чайтириш мақсадида амалга оши-рилаётган кенг қўламли ислохотлар-ни изчил давом эттиришга ҳаракат қиламиз.

Шу билан бирга, ҳаётимизнинг барча соҳаларида хотин-қизларнинг муносабатларини янада яқинлашти-риш, уларнинг истеъдодини рўёбга чи-қариш учун қўшимча шарт-шароит-лар яратиш ҳам олдимизда турган

долзарб масалалардан бири ҳисоб-ланади.

Биз оила институтини янада та-комиллаштириш, оналик ва бола-лиқнинг бундан буён ҳам давлат му-ҳофазасида бўлишини таъминлаш-га ҳаракат қиламиз.

Давлат ҳокимиятининг барча тар-моқларида хотин-қизларнинг том-маънодаги тенг ҳуқуқли ва фаол иштирокини таъминлаш ҳам олди-мизда турган долзарб вазифадир. Юксак билим ва малакага эга аёл-лар янада кенг имконият яратиш, шубҳасиз, ҳуқуқий демократик дав-лат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга хизмат қилади.

Аёллар интеллектуал салоҳияти ва ҳуқуқий маданиятини оширишга эътиборни кучайтириш ҳам биз учун стратегик аҳамиятга эга.

Аёллар, хусусан, тадбиркор аёл-ларнинг иқтисодий фаоллигини оши-риш мақсадида уларга ажрати-лаётган микрокредитлар миқдори-ни янада кўпайтириш биз учун ало-ҳида аҳамият касб этади. Бу каби молиявий ресурсларни ҳаётга кенг жорий этиш аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар бандлиги муам-мосини ҳал этиш ҳамда аҳоли фар-вовонлигини оширишга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

**Бешинчи йўналиш** суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни янада чу-қурлаштириш ўз ичига олади. Суд мустақиллигига тўлиқ эришиш, судларни инсон ҳуқуқларининг чи-накам ҳимоячиларига айлантириш учун комплекс тадбирларни амалга ошириш, судларнинг шахс дахлсиз-лиги билан боғлиқ процессуал таъ-сир ўтказиши борасидаги миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган нормаларини инобатга олган ҳолда ривожланти-риш алоҳида аҳамиятга эга.

Омбудсман ваколатларини янада кенгайтириш ҳам асосий вазифа-ларимиздан биридир.

Биз қонун ижросида адолат та-моийлини таъминлашга астойдил ҳаракат қиламиз.

**Олтинчи йўналиш** фан, таълим, маънавият ва маданият соҳалари-ни ўз ичига олади. Биз бу соҳалар-даги ислохотларни изчил давом эт-тириш тарафдоримиз. Хусусан, фун-даментал фанлар тараққиётига ьтар-

ли эътибор қаратиш ва қўллаб-қув-ватлаш, илм-фан ва таълимга хо-рижий ва ички инвестицияларни ҳамда янги технологияларни кенг жалб қилиш биз учун ўта муҳимдир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Респу-бликасининг «Фан ва илмий-техника сиёсати тўғрисида»ги қонунини иш-лаб чиқиш ва қабул қилиш давр та-лабига айланмоқда. Шунингдек, ил-мий-техника салоҳияти, маҳаллий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган «Миллий ин-новацион тизим»ни яратиш ва ама-лиётга татбиқ этиш ҳам долзарб ва-зифаларимиздан ҳисобланади.

Биз халқимизнинг маданияти ва миллий аънаналарини ривожланти-риш ҳамда янада кенгроқ тарғиб этиш мақсадида мувофиқ, деб ҳисоб-лаймиз. Шу билан бирга, жамият-да юксак маънавият ва инсонпар-варлик, меҳр-оқибат тамойиллари-нинг кенг қарор топишга эришиш асосий вазифаларимиз қаторига кирди.

Мустақиллик йилларида ёшлар сиёсати доимо давлатимиз диққат-эътибори марказида бўлиб келди. Биз ёшларни мамлакатимизнинг кел-ажак тараққиётини белгилловчи куч сифатида янада кенгроқ қўллаб-қув-ватлашга ҳаракат қиламиз. Бу бо-рада биз уларнинг маънавий-ахлоқ-ий баркамоллиги масалаларига катта эътибор қаратамиз.

**Еттинчи йўналиш** ташқи сиё-сат масалаларини ўз ичига олади. Биз тинчликсевар, Ўзбекистон ман-фаатларига мос ташқи сиёсатни да-вом эттириш тарафдоримиз. Ўзбе-кистоннинг ҳақон ҳамжамиятга ин-теграциялашувини янада чуқурлаш-тириш, унинг халқаро ташкилотлар-даги иштирокини фаоллаштириш бу борадаги долзарб вазифалари-миздан ҳисобланади.


Мамлакатимизнинг халқроқ май-дондаги нуфузини янада юксалти-риш, устувор миллий манфаатла-римиздан келиб чиққан ҳолда, кел-гусида ҳам Ўзбекистоннинг хо-рижий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, гуманитар алоқаларини янада мустақамлашга ўз ҳиссамиз-ни қўшишга ҳаракат қиламиз.

### Мухтарам ватандошлар!

*Юқорида баён этилган барча йўналиш-лар доирасида саяхат-ҳаракатларимиз, энг аввало, мамлакатимизни янада тарақ-қий эттириш, давлатимиз қудратини ошириш, барча янгилашулар марказига қўйилган инсон манфаатларини кенгроқ таъминлаш жамиятда адолатнинг тўла қарор топишга хизмат қилади.*

## БАРКАМОЛ АВЛОД УЧУН ДАРСЛИКЛАР

Пойтахтимиздаги республика ўқувчилар саройида Халқ таълими вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда «Ўзкитобсавдо» ДАК ҳамкорлигида 2008-2009 ўқув йили учун тасвир этилган дарслик ва ўқув адабиётлари кўргазмаси ташкил этилди.



Мамлакатимизда иккинчи бор ўтказилган ушбу иқтисослашган кўргазма-ярмарка Президенти-нинг «Умумтаълим мактаблари ўқувчилари-ни дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилган. Кўргазмага дарсликлар ва ўқув-методик қўлачлар, келгуси ўқув йили учун мўлжалланган дарсликларнинг эскизлари, болалар адабиёти, энциклопедия ва лугатлар, махсус интернатлар учун қўшимча кўргазмалар кўрсатилган.

— Биз, бир гуруҳ ўқитувчилар пояттахтимиз-нинг Бектемир туманидан келдик, — дейди ўқитувчи Санъатхон Курбонова. — Кўргазма бизга гоат ман-зур бўлди. Мен ва ҳамкасбларим келгуси ўқув йили учун тасвия этилган дарсликлар,

уларнинг дизайни ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари-мизни ёзиб бердик. Ишончимиз қимматли, ки-тоблар чоп этилаётганда тақлифларимиз инобатга олинади.

Мазкур тадбирга ота-оналар ҳам ташриф бую-ришган. Ўз навбатида улар ҳам кўргазмага қўйилган дарсликлар ҳақида ижобий фикр бил-диришмоқда. Қибрайлик

Гулнора ҳон Ахмедова бугун-ги кун дарслик-лари хусусида ўз мулоҳазаларини қуйидагича баён этди:

— Фарзандла-римизнинг би-лимдон ва зукко бўлиб камол то-пишларида бугун улар олаётган са-боқнинг ўрни му-ҳим. Шундай экан, бу бо-рада дарслик ва қўлла-маларнинг мукамал бў-лиши алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, бошланғич синф ўқувчиларига мўл-жалланган дарсликлар-

нинг ташқи кўринишини олайлик. Фикримча, улар-ни берилётган ҳар бир ма-взусигача ўзига хос дизайнда, ўқувчи эъти-борини тортадиган даража-

да қизиқarli бўлиши ке-рак. Яна бир мулоҳаза. Маълумки, аини пайтда мактабларда кам таъмин-ланган оилаларнинг фарзандлари учун ижара-га китоблар берилмапти. Назаримда, ижарага бе-риладиган китоблар сонини янада кўпайтириш ке-рак. Токи, ҳеч бир ўқувчи билим бўлуғи бўлмиш китобдан фойдаланишда қийналмасин.

Халқ таълими вазирли-ги мутахассисларининг эътирофида, мактаб ўқув-чиларини дарсликлар ва ўқув қўлачлар билан таъминлаш ишлари наму-нали тарзда йўлга қўйил-ган. Утган ўқув йилида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг дарслик ва ўқув қўлачларини билан таъминлаш даража-си 92,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 95,7 фоизга етди. Кўргазмага келгуси ўқув йили учун тасвия этилган 1248 номдаги дарслик ва ўқув адабиёт-лари намоиш этилмоқда. Шунингдек, кўргазма

жараёнида дарсликлар ва ўқув қўлачларини харид қилиш учун бюртма бериш истагида бўлган муассаса раҳбарлари шу ернинг ўзида «Ўзкитоб-савдо» ДАК ходимлари билан фойдали битимлар тузишмоқда.

— Бундай тадбирлар китоб байрами тарзида республикамизнинг барча вилоятларида ташкил эти-ляпти, — дейди республика Таълим марказининг масъул ходими Маъсуда Зокирова. — Бу ерга асо-сан Ташкент шаҳри ва вилоятдан олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари, кутубхоначи-лар, ота-оналар, услубчи-лар, талаба ва ўқувчилар таклифи этилган. Келаси ойнинг ўн иккинчи санаси-га қадар давом этадиган мазкур кўргазма доираси-да янги китоблар тақди-роти, дарсликлар ва ўқув адабиётларининг очқ-савдоси ҳам ташкил эти-лиши кўзда тутилган.

Маъсуда ХОЛМАТОВА,  
«Халқ сўзи» мухбири,  
Темир ҚУРБОНОВ  
олган суратлар.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Молиячилар хавотири

Арабистон ярим оролида жойлашган, катта нефть захираларига эга бўлган камда урта давлат ўзларининг миллий валюталари долларга боғлиқ бўлиб қолишидан воз кечмоқчи.



хозир БАА марказий банки бу масалани хиддий ўрганиб чиқмоқда. Доллар курсининг тобора пасайиб бориши молиячиларни хавотирга солаяпти.

Сув балосидан асрасин



Папуа-Янги Гвинеянинг Оро музофотида «Губа» циклон тўғрисида рўй берган сув тошқини оқибатида 153 нафар фуқаро ҳалок бўлди, ўнлаб одамлар бе-дарак йўқолди.

Хукумат тошқин рўй берган музофотда факулда ҳолат эълон қилди ва жаҳон ҳамжамиятидан ёрдам сўради.

Дисклар йўқолди

Буюк Британияда 16 йилга фарзанд бўлган 7,25 миллион оила ҳақида маълумотлар тўплаган ик-тита компьютер дисклари йўқолиб қолди.



жойи, шунингдек, банкдаги ҳисоб рақами ҳақидаги барча маълумотлар жамланган эди.

Дискларда болалар нафақаси оладиган 25 миллион нафар одамнинг маънавий, тузилган йили ва

Собиқ котибнинг айблови

АҚШ президентининг собиқ матбуот котиби Скотт Макклеллан Оқ уй раҳбарларини ёлғончиликда айблади. Макклелланнинг таъкидлашича, Жорж Буш ва вице-президент Дик Чейни уни ёлғон ахборот тарқатишга мажбур қилган.

Расмий Вашингтон бу хабарни рад этди. Президентнинг ҳозирги матбуот котиби Дана Перинининг қайд этишича, бу давлат раҳбарларига нисбатан тўхматдан бошқа нарса эмас.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Хабарингиз бор, шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қизилма ва қизилча касалликларига қарши эмлаш ишлари олиб борилаётганда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирга 11 ёшдан 29 ёшгача бўлган сақиз миллиондан зиёд киши жалб қилинган.

ЭМЛАНГАНГА ДАРД ЮҚМАС

Амалга оширилаётган бепул эмлаш тадбирлари билан ақиндан танишиш мақсадида Фарғона водийси вилоятларида бўлиб Даствавал, Фарғонадаги 4-шаҳар шифохонасига қарашли катталар поликлиникасига йўл олди.

ер юзида ўттиз миллиондан зиёд аҳоли ушбу касалликлар билан хасталанмоқда. Бу хасталикларнинг асоратлари сифатида ўпка яллиғлиғи, асаб тизимининг шикастланиши, қарлик ва қўзи охиқлик, тумга юрак пороги қабиляр кузатилади.

Унинг нимагини эса андиқонлик мутахассислар тундиртиб беришиди. Эмлаш пунктларидаги усти ёпиқ махсус кўтилар эса ишлабти бўлинган шприц ва вакцина идишларини ташлашга мўлжалланган экан.

Анджон вилоятида ҳам мазкур тадбирга алоҳида тайёргарлик қилинган сезилиб турибди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан олган маълумотларимизга қўра, Андиқонда 630 мингдан зиёд киши эмланиши кўзда тутилган.

Анджон вилоятида ҳам мазкур тадбирга алоҳида тайёргарлик қилинган сезилиб турибди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан олган маълумотларимизга қўра, Андиқонда 630 мингдан зиёд киши эмланиши кўзда тутилган.

Анджон вилоятида ҳам мазкур тадбирга алоҳида тайёргарлик қилинган сезилиб турибди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан олган маълумотларимизга қўра, Андиқонда 630 мингдан зиёд киши эмланиши кўзда тутилган.

Эҳтиёт шарт

Этибор берган бўлсангиз, сўнгги беш-ўн йил ичида юртимизда болалар ўртасида шол, болалар қоқшоли, бўйма касалликлари қайдам қилинмади. Бу, албатта ўз вақтида эмлаш чора-тадбирлари қоникрили натижасидир.

Наманган вилоятида ҳам 635291 киши эмланиши кўзда тутилган. Жойлардаги доимий ва вақтинчалик пунктларида кунига 500 нафардан зиёд киши эмланыпти.

Дарҳақиқат, Андиқон шаҳар марказий шифохонасига қарашли 1-поликлиникада бўлганимизнинг ўзидек бу фикр ўз тасдиғини топди. Хар бир эмлаш жонаси бактерияларга ёрдам берди.

Наманган муҳандислик педагогика институтининг турар жой биносига 6-шаҳар поликлиникаси ходимлари хизмат қилмоқда. Институт талабалари ҳамда академик лицей ўқувчиларидан иборат ёшлар бирин-кетин врач назоратидан ўтишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, жойларда олиб борилаётган тадбирлардан, иш унингдан қониқиб ҳосил қилинади. Эмлаш тадбирларига жалб қилинган тиббиёт ходимларига эмас, халқимизнинг ўзи ҳам ўз саломатлигига нисбатан бефарқ бўлмаяпти.

Унинг нимагини эса андиқонлик мутахассислар тундиртиб беришиди. Эмлаш пунктларидаги усти ёпиқ махсус кўтилар эса ишлабти бўлинган шприц ва вакцина идишларини ташлашга мўлжалланган экан.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Тиббиёт

Қулай ва замонавий

Балиқчи Андиқон вилоятининг чегара ҳудудларидан ҳисобланади. Аҳолиси илгари шаҳардаги ёки туман марказидаги шифохоналарга ошқарди.

Турриқонда эса инсон аъзолари фаолиятини бир вақтингиз ўзда текшириб қўриш ва аниқ ташхис қўйиш имконини берувчи «EDAN» аппарати ишлаб турибди.

О. ШОДНОМАЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХўРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР! Очиқ аукцион савдоларига таклиф этамиз. РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ «Газсерайс» ЕАЖ ва «Сог'я» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳувашидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ИПОТЕКАБАНК»И НАВОЙИ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

ТАДБИРКОРЛАР! ТАДБИРКОРЛАР! ТАДБИРКОРЛАР! ТАДБИРКОРЛАР! ТАДБИРКОРЛАР! ТАДБИРКОРЛАР! ТАДБИРКОРЛАР! ТАДБИРКОРЛАР!

GAZ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ «МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобиллари (автобусларни) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилги ташувчиларни) таклиф этади.

ФАХР

**Саккиз ўйинда саккиз галаба. Кунн кеча Туркиянинг Анталия шаҳрида футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида яқунланган VII жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси ана шундай натижага эришиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.**

## АНТАЛИЯДАГИ ЁРҚИН ҒАЛАБА

Авал хабар берганимиздек, Анвар Исмоилов шогирдлари финалда Россия терма жамоасига қарши майдонга тушди. Эсингизда бўлса, 1998 йил Англияда ўтказилган жаҳон чемпионати ярим финалда вакилларимиз Россия терма жамоасига ютқазиб қўйишганди. Орадан тўққиз йил ўтиб жамоалар финалда рўбарў келишди. Бу сафар 2:1 ҳисобида галаба қозонган Ўзбекистон терма жамоаси дунёда тенгсиз эканлигини исботлади. Албатта чемпионлик сари йул осон кечмади. Бор ирода ва матонатларини намойиш этишган йигитларимиз бу йилда Бразилия (4:2), Сьерра-Леоне (3:0), Эрон (3:1), Нигерия (3:0), Украина (2:0), Либерия (7:1), Туркия (2:1) ва Россия (2:1) каби кучли терма жамоаларни мағлуб этиб, чемпионатдаги галаба тасодифий эмаслигини намойиш этишди.

— Мамлакатимизда ногирон спортчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг жисмоний маҳоратларини оширишга доимо эътибор бериб келинади, — дейди Ўзбекистон Миллий Паралимпия ассоциацияси матбуот котиби Дилфуза Каримова. — Бундай ғамхўрликка жавобан жисмоний имконияти чекланган

спортчиларимизнинг халқаро турнирлар, китъа ва жаҳон чемпионатларидаги ютуқлари салмоқли бўлмоқда. Яқинда Сочи (Россия)да футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида бўлиб ўтган йирик халқаро турнирда ҳам вакилларимиз биринчи ўринни эгаллашган эди. Анталияда ўтган жаҳон чемпионати ҳам вакилларимиз унун муваффақиятли яқунланди. Бу ҳамюртларимизнинг жаҳон чемпионатидаги иккинчи йирик ютуғидир. 1996 йил АКШда ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам юртдошларимизга тенг келадигани топилмаганди.

Умуман, бугунгача ўтказилган жаҳон чемпионатларида Россия ва Бразилия терма жамоалари уч мартадан шохсуладан жой олишган.

Терма жамоамиз муваффақиятига Зоҳидхўжа Тошхўжаев, Ҳикмат Расулов, Азизжон Азимов, Бахтиёр Ражабов, Қудрат Худойқуллов, Ҳайдарали Турсунбоев, Абдумалик Абдухамидов, Нуриддин Турсунов, Беҳзод Ҳакимов, Аъзамжон Исмаилов, Азиз Абдурахманов, Павел Сулайманов, Мухаммадзиз Арапов ва бошқа футболчиларимиз муносиб ҳисса қўшдилар.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
"Халқ сўзи" мухбири.

## ПЎЛАТНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Сингапурда ўсмирлар ва қизлар ўртасида Халқаро теннис федерацияси (ИТФ) томонидан ўтказилаётган халқаро теннис турнирида дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан келган спортчилар ғолиблик учун куч синашмоқда.

Ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган теннисчимиз Пўлат Бобоҷонов мусобақани муваффақиятли бошлади. Биринчи босқичда хитойлик Ченг Гуога қарши қорғат чиққан ҳамюртимиз 6:1, 6:0 ҳисобида галабага эришди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**  
ЎзА мухбири

## «ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ МАРКАЗИ

**Ўз миջозларига шуни маълум қиладики, 2007 йилда тузилган, иш ҳажми ва амал қилиш муддати 2007 йил 31 декабргача бўлган мажбуриятлари амалга оширилмаган, миջозлар айби билан бажарилмаган шартномалар бекор қилинади.**

Бекор қилинган шартномалар бўйича барча шикоятлар 2007 йил 31 декабргача қабул қилинади.

Миջозлар айби билан бажарилмаган шартномалар бўйича МХКМ ДК кредитур қарзлари 2008 йилнинг биринчи чораги давомида қайтарилади.


МАТБУОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:  
150-25-03, 150-25-02, ФАКС: 150-25-15.  
E-mail: metrolog@bankot.uz

## Организация реализует со склада в Ташкенте следующие ШИНЫ российского производства:

Размер	Модель
13,6-38	Я-166 пс 6
15,5-38	Ф-2АД нс8
9,00-16	Я-324А нс10
28,1R26	ФД-12М нс12 и 158
9,5-42	Я-183 нс8
18,4/78-30	Я-319 нс8 и 139
10,00R20	И-281, У-4 нс 16
8,25 R20	

**а также любые другие модели под заказ.**

Адрес: г. Ташкент, ул. У. Юсупова, 36.  
Тел./факс: 144-71-75, 144-30-79.  
E-mail: euroaz@mail.ru




ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

# «РОУТАХТ АУКСИОН»



ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари ўтказиладиган ким ошди савдоларига қуйидаги қурилиши тугалланмаган бинолар сотилгунга қадар танлов савдоларига қўйилишини маълум қилади:






**1. Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси балансидаги Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 1/2 даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси.**

Бошланғич нархи — 632 401,07 АҚШ доллари.



**2. Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси балансидаги Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўйлик-1 даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган ётоқхона биноси.**

Бошланғич нархи — 394 629,88 АҚШ доллари.



**3. Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси балансидаги Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўйлик-4 даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган ётоқхона биноси.**

Бошланғич нархи — 236 600,52 АҚШ доллари.

**ИЗОХ:** сотилиши белгиланган объектларнинг бошланғич баҳоси уларнинг ҳақиқий баҳоланган вақтига нисбатан эркин муомаладаги валютада ҳисобланган. Талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда, мазкур объектлар миллий валютада сотилиши мумкин, бунда тўловлар тўлов куниндаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада амалга оширилади. Газетанинг шу йил 226-сонда чоп этилган эълонга тузатишлар киритилиб берилмоқда.

### Танлов шартлари:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- қисқа муддат ичида (кўпи билан 1,5 йил) қурилиш меъёрий қоидалари (КМҚ) талабларига мувофиқ қурилиши тугатиш ва бунинг учун зарур инвестиция киритиш;
- объект негизда ташкил қилинадиган фаолият турини бизнес-режа асосида амалга ошириш;
- янги иш жойларини ташкил қилиш ҳамда ҳудуд атрофини ободонлаштириш.

**Танлов савдоларида қатнашишни истаган сармоядорлар савдо ўтказиладиган саналар қаминда уч кун олдин қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**

- танлов қатнашчисининг талабномаси (ўрнатилган тартибдаги);

- савдода қатнашиш учун савдо объекти кўрсатилган ҳолда объект бошланғич нархининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжатининг нусхаси (конвертта солинамасдан тақдим этилади);
- объектни сотиб олиш баҳоси (бошланғич баҳосидан кам бўлмаган миқдорда), шакллантирилмаган бизнес йўналишига киритиладиган сармоя миқдори ва муддати кўрсатилган бизнес-режа;
- рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи нотариал тасдиқланган ҳужжат нусхаси.

### Хорижлик сармоядорлар юқоридагиларга қўшимча тарзда:

- сармоядорнинг юртида сармоядорни рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома (рўйхатдан

- ўтказилган реестрдан кўчирма);
- сармоядорнинг тўлов салоҳиятига эга эканлини тасдиқловчи, хизмат кўрсатувчи банкнинг (ёки халқаро аудиторлик хизматининг) маълумотномаси.

Жисмоний шахслардан — паспорт нусхаси.

Сармоя таклифлари конвертта солиниб, маҳкамланган ва шахсий муҳрлари билан тасдиқланган ҳолда «(Объект номи) танлов савдоларига» ёзуви билан ваколатли шахсга топширилиши ёки почта хизмати орқали жўнатилиши мумкин.

Танлов савдоларида қатнашиш учун объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорини зақалат пулини эркин муомаладаги валютада (АҚШ доллари) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

бош бошқармаси ҳисоб-касса марказидаги ФА 00014, 21508840000600289002 ҳисоб рақамига ўтказилади. SWIFT: CBUZUZ22.

Миллий валютада «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотекабанк»и Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайди.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Мовароуннаҳр» кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефонлар:  
133-23-49,  
133-23-40.

## И.М.ГУБКИН НОМИДАГИ РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ

**бўлажак абитуриентларни мақсадли тайёрлов курсларига ўқишга таклиф этади!**

**Тайёрлов курсларида абитуриентларни ўқитиш бўйича кириш имтиҳонлари:**

**МАТЕМАТИКА, ФИЗИКА, РУС ТИЛИ**

фанлари бўйича рус тилида, махсус ўқув дастури асосида юқори малакали педагоглар томонидан олиб борилади. Тайёрлов курсларида ўқитиш 2007 йилнинг ноябрь ойидан 2008 йил июнь ойигача давом этади. Тайёрлов курсларига аризаларни қабул қилиш 2007 йил 20 ноябрдан бошланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Академиклар шаҳарчаси, Файзулла Ҳўжаев кўчаси, 34-уй. Мурожаат учун телефонлар: 169-96-60, 169-96-33.

Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси «Yoshlar» телерадиоканали ЕАЖ жамоаси Самарқанд вилояти бўйича ўз мухбири Ҳасан Ҳўжақуллова онаси

Назозат ХЎЖАҚУЛОВАнинг вафотини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика шонли тиббий ёрдам илмий маркази жамоаси марказнинг Нукус филиали директори Дониёр Шомуродович Ҳожиева отаси Шомурод ХОЖИЕВнинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва  
Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 24132 нусхада босилди,  
ҳажми — 2 табоқ. Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

### ТЕЛЕФОНЛАР:

Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орипов.  
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.  
Навбатчи — С. Ҳайдаров.  
Мусаҳҳиш — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 23.30